



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 7 август, № 153 (5827)

Чоршанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



Ўзбекистон ўзининг 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида жаҳон ҳамжамияти олдида муносиб иқтисодий ҳамкор эканлигини амалда исботлай олди. Натижада хорижий давлатлар билан иқтисодийнинг барча тармоқлари бўйича алоқалар тобора ривожланиб, биргаликда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга ошириляётир.



Иқтисодиётимизнинг изчил ривож

чет эллик инвесторларда катта қизиқиш уйғотмоқда

Бу Президентимиз раҳнаомлигида олиб бориляётган изчил ислохотлар жараёнида фаол инвестиция сиёсатини юритиш, хорижий инвестицияларини жалб қилиш ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилашга устувор аҳамият қаратиляётганининг юксак самарасидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилган бўлиб, айниқса, хорижий инвесторлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ҳамда имтиёзлар тизими тобора мустаҳкамланаятир. Бу, ўз навбатида, хорижий инвестицияларини ўзлаштириш ҳажмининг муттасил ўсишига хизмат қиляпти. Узоққа бормайлик, шу йилнинг биринчи

ярмида юртимизга жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми бир миллиард 148 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13,2 фоизга ўсгани, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 74,5 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатяётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Elektr Quvvat Qurilmalari" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ана шундай самарали ҳамкорлик маҳсулидир. Унга 2012 йилнинг июнь ойида "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Хитойнинг "Holley Metering Limited" корпорацияси томонидан асос солинган эди. Маълумот ўрнида айтиш жо-

2013 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизга жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми

13,2
фоизга ўсди.

изки, "Holley Metering Limited" корпорацияси электр энергетикаси учун зарур ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича қарийб 40 йиллик тажрибага эга. Унинг таркибидаги корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларига экспорт қилинади. Ушбу йирик корпорация сармояси иштирокида янги корхона ташкил этилгани барқарор ривожланаётган Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан қизи-

қиш юқорилигидан далолат беради, албатта.

— "Elektr Quvvat Qurilmalari" қўшма корхонаси Ўзбекистонда энергетика соҳасида рўёбга чиқарилган иккинчи йирик лойиҳадир, — дейди корхона бош директори Шин Хуаймин. — Бундан олдин ҳамкорликда электр жиҳозлашчилар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона тузилган эди. Бизнес фаолиятимиз давомида юртингизда чет эллик ишбилармонлар учун бар-

ча шарт-шароит яратиб берилганига яна бир қарра ишонч қилиб қолди. Улардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш пайдидан бўлялми.

Электр техникаси маҳсулотлари, аниқлик даражаси жаҳон стандартларига мос бўлган замонавий ўлчов трансформаторларини ишлаб чиқариш, бундай ускуналарни текшириш ҳамда синовдан ўтказишга ихтисослаштирилган мазкур корхона қисқа даврда ички бозордан ўз ўрнини топиб улгурди. Бугунги кунга қадар харидорларга 20 мингтадан зиёд трансформаторлар етказиб берилгани бунга асос бўла олади, албатта.

(Давоми 2-бетда).



Бунёдкорлик саодати

Мустақиллик Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси қатори қорақалпоқ диёрига ҳам ободлик, фойз, тароват бахш этди. Бунга ҳар қадамда ҳис этиши мумкин.

Тошкентда қадрдонларим бор. Бундоқ қарасам, пойтахтда кўп меҳмон бўлибману уларга мезбонлик қилишни неадаир орта суриб келаятирман. Мана, мавриди энди келди, дедиму яқинда уларни Нукусга чорладим. Нокамтарлик бўлса ҳам айтмай, бунёдкорлик ишларимизни бир мақтангим келди...

Ҳадемай, гурвакка роса маза кирганда меҳмонлар ҳам келиб қолишса, ажабмас. Уларга дастлаб марказий майдон, унинг шаҳар иқлимига хос ноб архитектура, ландшафт дизайни, истиқболли ҳақида гапириб бераман. Ўйлаб турибман, улар бу ердаги интенсиб боғ, яшил хилбўб ва биллур фаввораларга мафтун бўлишади. Сал нарироқда эса Жўқорғи Кенгесининг янгитдан қад ростлаган кўркам ва муҳташам биноси ял-ял товляниб турибди...

Бу ҳали ҳаммаси эмас, дейману бир вақтлар одам юрса оёғи, қўш учса қаноти қуядиган яйдок ерларда бунёд этилган Устюрт сода заводида, Элобод шаҳарчасига, Бердақ номидаги миллий музейга, яна бир қанча маданият, спорт ва таълим ишхоналарига бошлаб бораган. Ҳазилакам гапми, ўтган қисқа вақт ичида кўрса кўрғудек, кўзга суртгудек қанчадан-қанча иморатлар солинди, ахир!

Яна ўйлаб қоламан. Илгари биносозликда қорақалпоқнинг бирова кўрсатадиган нима бор эди? Мен ўзим шу соҳанинг одами бўлганим учун яхши биламан, бирор жойдан меҳмон келса, ўзимизни панга олардик. Дўппи тор келганда, қўзимиз билан ер чиқиб қолган пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Бугун-чи? Қорақалпоғистонимизнинг жамоли кундан-кун очилиб, ёришиб борапти. Энди етти иқлимдан меҳмон келмайди, юртимизнинг кўрку тароватига қойил қолмаса, мана, биз қафил!

Ўрнбой ТОРЕНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган меъмор.

1991



2013

1999 йил

● Давлатимиз раҳбари томонидан "Аёллар йили" деб ном олган мазкур йилда мамлакатимизда хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар янги босқичга кўтарилди.

● Тошкент халқаро аэропортида "Тошкент — Киев — Нью-Йорк" ҳаво йўналиши бўйича "Боинг"нинг биринчи парвози амалга оширилди.

● Президентимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонлана бошланди. Шу муносабат билан Тошкентда Хотира майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу кун Ватан озодлиги учун ўз ҳаётини бахшида этган аждодларимизнинг ватанпарварлиги ва матонатини қадрлаш, ўтганларни хотирлаш, кексаларни улуғлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги қадриятларимизнинг давомийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

● Мазкур йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ўқиши, изланиши, ҳулки, жамоат ишларидаги фаол иштироки билан ибрат бўляётган қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Ана шу нуфузли мукофот билан тақдирланган қизлар юртимизнинг етакчи олий ўқув даргоҳларида билим олиш баробарида, таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат ва спорт соҳаларида самарали изланишлар олиб бормоқдалар.

● Урганча Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Шаҳарда юбилей шарофати билан Жалолиддин Мангубердининг улугвор ҳайкали қад ростлади. Ўзгориқ мажмуи очилиш маросимида Президентимиз нутқ сўзлади.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Азал-азалдан халқимиз учун ўз киндик қони тўқилган уй муқаддас саналган. Уй қуриш, том ёпиш эса оиладаги эркак учун ўғил тутилган кундан бошлаб ширин ташвиш ҳисобланган. Боиси том (Фарғона томонларда иморатни шундай деб аташади) нафақат турмуш кечирадиган гўша, балки унинг орқасидаги деҳқончилик қилинадиган ер, яъни томорқа — тирикчилик манбаи, даромад хазинаси бўлган.

Файзу барака манбаи


Айниқса, мустиқиллик йилларида шахсан давлатимиз раҳбарининг сазй-ҳаракати билан томорқа ҳақиқий даромад манбаига айлан-тирилди. Биргина Фарғона вилоя-тида 50 минг гектардан зиёд суго-риладиган ер аҳолига томорқа си-фатида ажратилгани бунинг тасди-ғидир. Бу ўртача учта туманнинг экин майдонлари юртдошларимиз ихтиёрига берилди, дегандир.

— Оиламизда тўрт ўғил бўлиб, дўппидек хонадонда истиқомат қилардик. Хатто баъзида ака-укалар оилавий можаролар туфайли юзқўр-мас бўлиб кетишимизга озгина қол-ган эди, — дейди Тошлоқ туманида-ги Тоғлиқ маҳалласида яшовчи Нурматжон Қурбанов. — Мустиқил-лик ярим асрдан буён ҳукм суриб келган бу муаммо чигалларини ёзиб юборди: бизга энг унумдор ерлар-дан томорқа ажратилди. Ҳар бири-

миз том кўтариб, янги уйларга кўчиб ўтдик. Кейинчалик 4 нафар фарзан-дим ҳам томорқали бўлди. Биласиз-ми, улар — хоҳ ишонинг, хоҳ ишон-манг — томорқадан топган даромад ҳисобидан уй-жой бунёд этишди. Бундай мурувват, бобом ва отам кўрмаган яхшиликлар учун Юртбоши-мизга мингдан-минг раҳматлар айтсак ҳам камлик қиладди.

Нурматжон ака сингари юрағида-гини тўкиб соладиганлар бугун Фарғонада минглаб топилади. Улар томорқасининг ҳар қарич еридан унумли фойдаланиш, замонавий ме-зонлар асосида деҳқончилик қилиш ҳадисини олишган. Томорқанинг яна бир бекиёс аҳамияти шундаки, фар-зандлар кўча чангитиб юрмасдан, фойдали меҳнатга жалб этилапти, уларнинг бандлиги таъминланмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Эзгуликка йўғрилган лойиҳалар

Ватанимиз Мустиқиллигининг 22 йиллиги арафа-сида "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаро-лари форуми" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда "Меҳр нури" жамғармаси ҳамкорлигида жойларда турли семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

ТАДБИР

Жумладан, бундай тадбир-лар Навоий вилоятида ҳам ўтказилди.

Акция доирасида дастлаб Нурота туманида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирокида "Оилавий тад-

биркорлик — жамият тарақ-қиётининг гарови" мавзuida семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда мазкур соҳа вакиллари фаолиятини янада яхшилаш, иш самарадорли-гини ошириш юзасидан так-

лиф ва тавсиялар берилди ҳамда қатнашчиларга ти-зимга оид қонунчилик ҳуж-жатларининг мазмун-мохи-яти тушунтирилди.

— Бугун туманимизда оилавий тадбиркорлар то-монидан қаштачилик, ёғоч ўймакорлиги, қулоллик, қан-долатчилик сингари фаоли-ят турлари изчил ривожлан-тирилмоқда, — дейди Нуро-та тумани ҳокими ўринбо-сари Саъдулла Мирзаев.

(Давоми 2-бетда).

Андижон:

ЯНГИЛАНИШ НАШИДАСИ

Ватанимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — Мустиқилликнинг 22 йиллигига ҳам саноқли кунлар қолди. Мамлакатимиз асосий байрамини кўтаринки кайфият, янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олиш юртимизда эзгу амалга айланган.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Бунга куни кеча Андижон шаҳрида янги Истиқлол ва Миллий тикланиш кўчалари-нинг очилиш маросимида яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Байрамона руҳда ўтган маз-кур тадбирда вилоятдаги кенг жамоатчилик вакиллари, адабиёт ва санъат намоянда-лари, нуруний отахону

онахонлар ва ёшлар қат-нашди.

— Андижонликлар ҳақида гап кетганда, кўпчилиكنинг тасаввурига бунёдкор, тини-тинчимас, ишбилармон одам-лар келади, — дейди гурур билан "Ёрбоши" маҳалла фу-қаролар йигини фаоли Зокир-жон ота Ғойибназаров. —

Ҳақиқатан ҳам, Истиқлол шарофати билан вилояти-миз аҳолиси елкасига шамол теғди. Ўтган йили, муболага эмас, бутун дунё-га кўз-кўз қилиб, шаҳримиз-да Ўзбекистон кўчасини очган эдик. Бу йил ҳам, мана, Истиқлолнинг йигир-ма икки йиллигига Истиқлол ва Миллий тикланиш кўчалари фойдаланишга топширилмоқда. Бундай улкан қурилиш ишлари Мустиқиллигимизнинг тим-солий солномаси, гурур ва ифтихоримиздир.

(Давоми 2-бетда).



ЎЙЛАГАНИМИЗДАН ҲАМ ЗИЁДА

Бугун бозорларимизга кирган кишининг кўнгли яйрайди. Чунки расталарда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Яна денг, нархи ҳам арзон. Энг қувонарлиси, ана шу ранг-баранг маҳсулотларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган. Улар орасида бизнинг корхонамизда тайёрланган атирсовунлар ҳам бор.

Очиғи, бундан 22 йил олдин Ўзбекистон саноати тез орада жадал ривожланиб кетади, деса, қўлчилик ақliga сиздира олмасди. Истиқлол туғайли тасавуриமிழдагидан ҳам юқори натижаларга эришдик. Авваллари оддий гигиеник воситаларни ҳам четдан олиб келган бўлсак, эндиликда уларни ўзимиз экспортга чиқараямиз.

Истиқлол менга тадбиркор бўлиш бахтини берди. Польшалик ҳамкорлар билан биргаликда янги корхонага асос солиб, кундалик ҳаётимизда зарур маҳсулот — атирсовун ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Мақтанишча йўманг-у, бугун корхонамизга таширф буюрган кишининг ҳаваси келади. 30 кишилик жамоамиз авзоларининг аксарияти — ёшлар. Уларнинг меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Технологик ускуналаримизнинг барчаси хоризжники. Дастлаб атиги бир неча турда атирсовун ишлаб чиқарган бўлсак, айни пайтда уларнинг сони 60 тадан ошиб кетди.

Хўш, бу ниманинг шарофати? Албатта, мустақилликнинг! Шуларни дилмидан ўтказганимда, янада руҳланиб кетаман. Ҳаёлимга янги-янги бизнес гоялар келади. Қаранг, Истиқлолнинг илҳами-да, бу! Файрат-шижоат кўрсатиб ишлагинг келаверади.

Фарҳод ЮСУФОХУНОВ,
“Angeline cosmetics”
Ўзбекистон — Польша қўшма
корхонаси бош директори.

1991



2013

2000 йил

● “Соғлом авлод йили” деб номланган ушбу йилда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги ислохотлар бир-бирини тўлдириб, яхлит тизимни ташкил этди.

● Асака шахридаги автомобиль заводи ISO 9001 сертификатини олди ва МДХ мамлакатларидаги енгил автомашина ишлаб чиқарувчилар орасида Халқаро сифат тизимидан фойдаланувчи биринчи корхона бўлиб қолди.

● Тошкент давлат университетига Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди.

● “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис этилди.

● Олмалик кон-металлургия комбинатида иқтисодиётни самарали ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган нодир металл — осмий ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● Тошкентда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахт жамоатчилиги вакиллари қатнашди. Маросимда Президентимиз Ислон Каримов нутқ сўзлади.

● “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулотнинг яна бир тури ўзлаштирилди. Бу ерда сутоқ метанол ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

● “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди.

● Самарқандда Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейи кенг миқёсда нишонланди. Тантанада Президентимиз нутқ сўзлади.

● Мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, санъатсевар ёшларни кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида “Нихол” мукофоти таъсис этилди.

● ЮНЕСКО Жаҳон мероси кўмитасининг Австралияда бўлиб ўтган мажлисида дунёнинг 61 нодир сиёсий ёдгорликлари билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг Шахрисабз шаҳри Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

аҳоли турмуш тарзини юксалтиришнинг муҳим омили

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш — ички талабни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг самарали чораси” мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутатлари, маҳаллий ҳокимият ижроия органларининг раҳбарлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар ҳамда экспертлар қатнашди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, аҳолини янги, замонавий ҳамда сифатли хизмат турлари билан таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда соҳанинг ролини кучайтириш ва қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида муайян ишлар қилинган.

— Аҳоли турмуш даражасини

яхшилаш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга бевосита боғлиқдир, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Суюн Абдиев. — Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлайди, даромадини оширади. Бу борада Самарқанд вилоятида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган. Айниқса, туризмни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқлардан ибрат олса, арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ва 2013 йил 17 апрелдаги қарорлари билан тасдиқланган 2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури, шунингдек, 2013 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш дастурини ҳамда тегишли ҳудудий дастурларни рўёбга чиқариш натижасида 2013 йилнинг олти ойида вилоят аҳолисига кўрсатилган пуллик хизматлар жами 120,6 фоизга ўсган. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш ва сервиснинг ҳиссаси 54,6 фоизга етди. Бу белгиланган параметрлардан анча ортиқдир.

Хизматларнинг замонавий юқори технологик ва бозор турлари, чунончи, телекоммуникация, молия-банк, сугурта ва туризм-экскурсия хизматлари жадал ривожланиб бораётир. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 2012 йилда ҳамда 2013 йилнинг олти ойида тегишмича 21762 та ва 10596 та иш ўрни яратилган.

— Бугун ёш авлодга замон

талаблари даражасида таълим бериш билан бир қаторда уларни келгусида муносиб иш ўринлари билан таъминлаш ҳам долзарб вазифага айланган, — дейди Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродулло Холмухамедов. — Бунда ўқув муассасаси — битирувчи — иш бевуви ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар, айнқса, қўл келаётир.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, кафолатли иш ўрни яратишига катта кўмак берапти. Шу аснода хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини раванқ топтиришга замин яратилмоқда.

Қолаверса, вилоятда ушбу секторни ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги қайд этилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида тадбиркорлик ташаб-

Эзгуликка йўғрилган лойиҳалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, “Спорт майдончалари — ҳар бир маҳаллада” акцияси доирасида Навоий шаҳридаги Ватан маҳалласида барпо этилган болалар спорт майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ёш спортчиларга ҳомий ташкилотлар томонидан спорт анжомлари топширилди.

Акция якунида Навоий шаҳридаги кекса инсонлар ҳамда кам таъминланган оилалар вакилларига хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдида Наманган вилоятида ҳам “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми” нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда “Меҳр нури” жамғармаси томонидан бир қатор ижтимоий лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Янгикўрғон туманидаги “Шарқ юлдузи — замин гавҳари” хусусий корхонаси фаолияти билан яқиндан таънишдилар. “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми” кўмагида тадбиркор Ҳабиба Отахонова томонидан ташкил этилган ушбу корхонада банкнинг 30 миллион сўмлик кредити эвазига қўрпа, ёстиқ, тушак сингари уй-рўзгор буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилиб, қишлоқ ёшларидан бир гуруҳи иш ўринлари билан таъминланди.

Шунингдек, бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Оилавий

тадбиркорлик — жамият тараққиётининг гарови” лойиҳаси асосида ўтказилган ўқув-семинарларида 350 нафар фуқарога оилавий бизнесни юритиш бўйича баътафсил тушунча берилди. “Спорт майдончалари — ҳар бир маҳаллада” акцияси доирасида эса Тўрақўрғон туманидаги Тошкент маҳалласида барпо этилган болалар спорт майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбиркор Аъзамжон Турдиев ташаббуси билан қурилган мазкур спорт-соғломлаштириш маркази тақдироти чоғида болажонларга Форумнинг республика жамоатчилиги Кенгаши томонидан спорт анжомлари туффа қилинди. Байрамолди тадбирлари Наманган шаҳридаги “Туркистон” тантаналар мажмуасида бир гуруҳ нурунийлар ҳамда эҳтиёжманд оилалар вакиллари учун ушатирилган хайрия маросими билан нихоясига етди.

Аъзам ЗАРИПОВ,
Қудратилла НАҲМИДДИНОВ,
“Халқ сўзи” мухбирлари.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда 20 дан зиёд ишчи меҳнат қилаётган жамоа томонидан 0,4 киловольтли трансформаторлар ишлаб чиқарилаётир. Импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулотларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Бу нафақат турдошларига нисбатан сифатининг юқорилиги, нархининг рақобатбардошлиги билан, балки электр энергия сарфини ҳисобловчи замонавий автоматлаштирилган тизим (АСКУЭ)ни жорий этишда жуда қулайлиги билан изоҳланади. Мамлакатимиз-



Иқтисодиётимизнинг изчил ривожчи

чет эллик инвесторларда катта қизиқиш уйғотмоқда

нинг барча ҳудудларида жорий этилаётган АСКУЭ тизимининг афзаллиги шундаки, у истеъмолчилар томонидан сарфланган электр энергияни ўз вақтида аниқ ҳисоб-китоб қилиш, ресурсларни тежашда қўл келади.

— Корхона иш бошлаган дастлабки пайтда ойига 500 та трансформатор ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда мазкур кўрсаткич 5 мингтага етказилди, — дейди “Elektr Quvvat

Qurilmalari” қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Қахрамон Нурматов. — Ҳозирги кунда маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида изланишлар олиб борилаяпти. Устувор режага кўра, 2014 йилда 6-10 киловольт кучланишли трансформаторлар тайёрлаш ўзлаштирилса, кейинги йилларда 35 киловольт кучланишли трансформаторлар маҳаллийлаштирилади.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, мам-

лакатимиз электр энергетикаси тизими учун зарур ускуна ва қурилмалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган рангли металл захиралари, хом ашё ресурслари ва иккиламчи материалларга нихоятда бой. Шу маънода, қўшма корхонада маҳаллийлаштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Хусусан, келгусида маҳаллийлаштириш кўрсаткичи 20-25 фоизга етказилиши мўлжалланапти.

Бу ерда босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар “Ўзбекэнерго” ДАК тизимидаги корхоналар, юридик ва жисмоний шахсларни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан кафолатли таъминлаш, пировардида иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Саид РАҲМОНОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

Андижон:

ЯНГИЛАНИШ НАШИДАСИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Истиқлол ва Миллий тикланиш кўчаларида 94 та янги бино қурилди. Уларнинг икки четида ям-яшил майсазору гулзорлар барпо қилинди. Шунингдек, тадбиркорлар маблагга ва банklar кредитлари эвазига 80 та савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда қисқа муддатда 126 миллиард сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Айни пайтда мафтункор шаҳарнинг 14 та кўчасида янгиланиш,

ободонлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Хусусан, Навоий шохкўчасида 16 та беш қаватли маҳабатли бино қурилаяпти. Мустақиллик байрами арафасида улардан олтитаси фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, Сайилгоҳ бўлиши режалаштирилган 750 метрлик Истиқлол кўчасида 60 дан ортиқ бино ва кўзни қувонтирувчи турли қўринишдаги катта-кичик фавворалар барпо этилмоқда. Бу ерда қад ростлаётган ҳар бир бино ўзига хос меъморчилик ечимига эгадир.

Айтиш жоизки, айни пайтгача Истиқлол ва Миллий тикланиш

кўчаларида иккита банк биноси қурилиб, шунчаси таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга, вилоят бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси биноси барпо этилди. Тўрт юлдузли, 47 ўринли меҳмонхона капитал таъмирланди. Бешта давлат муассасаси биноси, учта қўл қаватли тураржой ташки қиёфаси тубдан ўзгартирилди. Бундан ташқари, “Андижон”, “Дилноз” тантаналар саройлари, “Шарқ” кинотеатри ва “Олтин водий” ресторани янгича қўрилиш олиб, бу ерда вилоятда биринчи марта мусикали рангли фаввора ишга туширилди.

— Ўғлим Тошкентда яшайди, — дейди Нўмонжон ота Саидов. — Яқинда пойтахтга борсам, набираларим қўярда-қўймай “қуйловчи” фавворага олиб боришди. Оиламиз билан маза қилиб хордиқ чиқардик. Ушанда “Қани эди, бизнинг вилоятимизда ҳам мана шундай фавворалар қурилса”, деб орзу қилгандим. Мана, ўша орзуим ушалди.

Шу ўринда яна бир гап: шаҳарнинг Амир Темур, Миллий тикланиш кўчалари, Навоий ҳамда Бобур шохкўчалари тўлалигича таъмирлангач, улар бутунлай янги

қиёфа касб этди. Айниқса, Навоий шохкўчасининг 2 километрлик қисми кенгайтирилиб, жаҳон андозалари даражасига келтирилди.

Шаҳар ҳокимлиги маълумотларига кўра, қўркам ва муҳташам биноларни қуриш билан бир қаторда, ўтган асрдан буён ер остида қолиб, хизмат муддатини ўтаб бўлган канализация, ичимлик суви тармоқлари янгиланмоқда. Навоий, Бобур шохкўчалари ҳамда Амир Темур кўчасида бу юмуш нихоясига етказилди. Йўлларнинг икки чети яшил майсалар билан қопланди.

Шаҳарнинг Заҳириддин Бобур номидаги майдонида мазкур кўчаларнинг очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирда Андижон шаҳридаги 74 та маҳалла фуқаролар йиғинининг хунарамандлари ўз кўргазмаларини ўтказишди. Шунингдек, вилоятдаги санъат коллежи, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари, ёш спортчилар ҳамда дорбозларнинг қишқилари байрамга ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдурахмонов иштирок этди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
“Халқ сўзи” мухбири.
Содиқжон ШУКУРОВ ва
Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар.



Истиқлол сурури

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛМОҚЧИМАН

Полвонлар гуламга ор учун тушади, дейишадди. Бу бор гап. Билишимча, қадимда ҳам шундай бўлган. Ватан азиз-да, туғилган жойингнинг доғруғини дунёга ёйгинг келади. Бугун ана шундай алп ўғлонларимиз қаторида Барчиноймисол қизларимиз ҳам кўп.

Ўзим мисолимда айтай. Ҳар гал жаҳоннинг энг зўр полвонлари жам бўлган катта мусобақалар олдидан юрагимни ҳаяжон босади. Шунда “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз”, деган биз учун азиз ҳикматли сўзларни эслайман. Зум ўтмай вужудимдаги ҳаяжон ўрнини қатъият эгаллайди. Ўзимга ишончим ўн чандон, юз чандон ошиб кетади. “Албатта ғолиб бўламан”, деган аҳд билан супачага чиқаман.

Йисирма икки ёш. Бу — катта ҳаёт оstonаси. Шундай бўлса-да, бугун мен дунёдаги энг бахтли қизлардан бириман, деб айта оламан. Чунки шундай юрда туғилишнинг ўзи тақдирнинг инъоми. Қолаверса, спортнинг оғир атлетика тури бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони бўлдим. Президентимиз, халқимиз қўллаб-қувватлаб турибди. Маҳалладошларим, тенгқурларим, яқинларим орасида гуруланиб юраман. Галдаги кўзлаган марраларим янада юксак. Келгусида Жаҳон чемпиони бўлмоқчиман. Ўшанда кўлга киритган ғалабамни, энг аввало, Ватанимга бағишлашни ният қилганман!

Маҳлиё ТОҒАЕВА,
Оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида
Осиё чемпиони.
Новий вилояти

ЖАҲОН 24 соат ичида

Лондонда сунъий гўштдан тайёрланган дунёдаги биринчи гамбургерни пазандаликка оид китоб муаллифи, АҚШлик Жош Шонвалд ва австриялик тадқиқотчи Ханни Рутцлер татиб кўрди.

Сунъий гўштдан тайёрланган

Айтиб ўтиш жоиз, нотабий гўшт муаллифи Голландиянинг Маастрихт университети профессори Марк Пост бўлиб, у буни сигир ҳужайралари асосида яратган. Олимнинг таъкидлашича, бундай сунъий маҳсулот келажакда озиқ-овқат тақчиллигини бартараф этишда қўл келади.

Дегустаторлар гамбургер котлети таркибида ёғ миқдори камлигини, аммо мазаси чакки эмаслигини билдиришди.

Сунъий гўштдан битта шундай таомни тайёрлаш учун ҳозирги шароитда тахминан 250 минг фунт стерлинг талаб қилинаркан.

Экспертлар тавсияси

Халқаро валюта жамғармаси Франциянинг иктисодий аҳволига оид ўз хулосаларини баён қилди.

Унга кўра, жорий йил якуни бўйича ушбу мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 0,2 фоизга қисқаради. Келгуси йилда эса атиги 0,8 фоизга ўсиш кузатилиши мумкин. Бизнесни қўллаб-қувватлаш ёки ҳеч бўлмаганда ишсизлик даражасини

камайтириш учун экспертлар ҳукуматга солиқларни оширмасликни тавсия қилишмоқда. Чунки шундоқ ҳам солиқ юми оғирлиги бўйича ҳозир Франция нафақат Европада, балки бутун дунёда “етақчи” бўлиб турибди.

Туннелдаги ҳодиса

Норвегия ғарбидаги автомобилларга мўлжалланган туннелда юк машинасининг ёниб кетиши 55 кишининг жабрланишига сабаб бўлди.

Полиция вакили Йорн Лассе Рёфнеснинг айтишича, “Гудванга” деб номланувчи мазкур ўтиш йўлининг узунлиги 11,4 километр бўлиб, юк ташувчи транспорт воситаси унинг ичида 3,5 километр масофани босиб ўтгандан сўнг фалокатга йўлқачи. Бунга нима сабаб бўлгани ҳозирча аниқ эмас. Жабрланганларнинг асосий қисми қуюқ тутундан заҳарлангани туфайли шифохонага ётқизилган.

Гапирадиган робот фазода

Японияликлар тарихда биринчи бўлиб гапирадиган роботни коинотга учирлишди.

“Киробо” деб номланган мазкур технологик қурилма айни пайтда Халқаро космик станцияда фаолият юритаётган олти космонавтга ичимлик суви, озиқ-овқат, кийим-кечак ва эҳтиёж учун зарур бўлган бошқа маҳсулотларни олиб кетмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, “Киробо” жойлашган аппарат кўзланган манзилга 9 август куни етиб боради.

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, робот ноябрь ойида сомага парвозни амалга оширадиган япониялик мутахассис Коичи Вакатага ҳамроҳлик қилади. Шунингдек, у орқали узоқ вақт жамиятдан айри ҳолда яшаётган одамларнинг машиналар билан қандай қилиб муносабатга киришиб кетиши ва ҳиссиётлари ўрганилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

оила рўзгорини, асосан, шундай иссиқхоналарда етиштирилган турли маҳсулотларни сотиш ва кўчат ўстириш эвазига тебратаяпти.

бу йил фарзандларимиз учун ажратилган томорқаларда янги уйлар қураёғимиз.

Фарғона туманида эса томорқа хўжаликларида мева, полиз,



Шоирот ШАРАПОВ олпон сурот.

— Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни бизга кенг имкониятлар яратиб берди, — дейди шу кишлоқда яшовчи Орифжон Қўрғонов. — Тўртта иссиқхонамиз бор. Ҳозиргача эртаки қарам, бодринг ва помидор етиштиришдан 30 миллион сўм даромад олдик. Ўтган йили фойдамиз ҳисобидан “Нексия” ва “Дамас” автомашиналарини харид қилган бўлсак,

сабзавот ҳамда қорвачилик маҳсулотларини 30 фоизга кўпайтириш, шу билан бирга, уларнинг таннархини бозордагига нисбатан 20 фоизга камайтириш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқибли, ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Жумладан, унда Обод турмуш йилида Фарғона шахри аҳолиси дастурхонига 8 минг тоннадан зиёд қартошқа тортиқ қилиш режалаштирилган. Шу мақсадда маҳал-

лаштирилган бўлиб, ўндан ортиқ турда маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўл-

Истиқболли режалар рўёби

ишлаш қувватига эга мазкур қорхонада йигирмадан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган. Шунингдек, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бу ерга хориждан сўнгги русумдаги технологиялар келтириб ўрнатилди. Мисол учун, рота-

цион печни олайлик. Унинг қулайлиги шундаки, қунига 2,5 тонна унни қайта ишлаб, маҳсулотларни истеъмолга тайёр ҳолатга келтиради. Электр энергия ва газ харажатлари ҳам анча тежалди. Энг муҳими, ушбу қурилма ўрнатилган, яна олтига иш ўрни яратилди. Печь тўлиқ автомат-

ганларга кенг имкониятлар яратилган, — дейди қорхона раҳбари Муроджон Абидов. — Биз ҳам Халқ банкининг Чирчиқ филиалидан имтиёзли асосда кредит олиб, қорхона тараққиёти йўлида сарфлаганимиз. Келгусида бу ерда қандалат маҳсулотларининг турларини кўпайтириб, ширин ва ма-

Реклама ва эълонлар

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронқўл кўчаси, 84-ўйда жойлашган тураржой.
2. **Бошлангич баҳоси — 357 973 000 сўм.**
Аукцион савдоси 2013 йил 22 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
3. Бектемир тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 январдаги 1-383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, М. Ауэзов 3-бەрк кўчаси, 1-уй.
4. **Бошлангич баҳоси — 152 000 000 сўм.**
Аукцион савдоси 2013 йил 17 январдаги 1-383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чилон ота кўчаси, 5-уй.
5. **Бошлангич баҳоси — 711 000 000 сўм.**
Учтепа тумани СИБ томонидан 2013 йил 6 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон массиви, 48-уй, 87-хонадон.
6. **Бошлангич баҳоси — 30 652 000 сўм.**
Яккасарой тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 июндаги 10-1303/4483-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 158-«А» уй.
7. **Бошлангич баҳоси — 852 698 120 сўм.**
Аукцион савдолари 2013 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207 125 885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаш шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.

Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0052.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 11 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 1043,93 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1518,20 кв.м. бўлган, савдо-маиший хизмат кўрсатиш комплекси ва қурилиши тугалланмаган кафе биноси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 654 337 514 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 27 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 23 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904290609006; МФО 00373; СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» 226-кават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Штрих-код сканерлари

Чеклар принтери

Кассир иш жойи

Моноблоклар

Харидор дисплейи

Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАЙСИ қаршисида);
тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz;
e-mail: scales@ucd.uz,
micros@ucd.uz

Micros

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Максулот сертифициланган

389/770

Халқаро-ҳуқуқий ишлар бўйича адвокатлар ҳайъати жамоаси ҳайъат аъзоси Бахтиёр Аъзамович Ҳасановга волидан муҳтарамаси

Шафёя АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ривожлантириш маркази жамоаси Мониторинг бўлими бошлиғи Нейматжон Муқимовга волидан муҳтарамаси

Жанонбу ая МУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Иқтисодий назарияси кафедраси мудир Неймат Холматовга падаари бузрукворни

БОЙМИРЗА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

389/770



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

КЕМА

*Гоҳ денгиз уфқига ташласанг назар,
Кўринар нуқтага ўхшаш бир нима.
Гоҳо ғойиб бўлар, гоҳида қалқар,
Юзиб келаётган кема у, кема.*

*Катталашиб борар фурсат-бафурсат,
Шаклу шамойили аниқ, намён.
Улғур денгиздан ошиб, ниҳоят,
Кема яқинлашар соҳилга томон.*

*У улкан кемадир, ғоятда улкан,
Ваҳший тўлқинларни ўтолган энгиб.
Бўронларга қарши кўтарган елкан,
Йўл тоңган, туманлар қаврига сингиб.*

*Биз ҳам кема янглиғ сузгаймиз борҳо,
Ноён эруримиз бизлар ҳам дастлаб.
Елкандек тортилса туйғулар гоҳо,
Жисмимиз гоҳ баққар, гоҳ кетар настлаб.*

*Буюк уммон эрур ўзи бу олам,
Чорлар одамзодни соҳиллар васли.
Туфонларни энгиб, сузаркан ҳар дам
Кемага ўхшайди Ватан ҳам асли.*

ТУҒИЛГАН КУН

*Оҳорли дўптинени кишиб ол, ўғлим,
Дарвоза олдини супур, келинжон.
Тортмада турибди нафақа пулим,
Олинг болаларга совға бир жаҳон.*

*Тагин айтиб қўяй, унутма буни,
Кампир, ҳамсонгага чиқартиргин ош.
Бугун Истиқлолнинг туғилган куни,
Бугун тантананага Давлат ўзи бош!*

ҚАДРИЯТ

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, жамияттаги нуфузини юксалтириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу уларнинг истеъдод ва имкониятларини кенг намойён этишларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, Андижонда ўтказилаётган “Миллий либослар” ойлигида ҳам бу жиҳат ўз тасдиғини топмоқда.

Миллий либослар жозибаси

Гап шундаки, шаҳар ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида август – сентябрь ойлари “Миллий либослар ойлиги” деб эълон қилинди. Тадбир доирасида урф-одат ва анъаналаримизни тараннум этувчи давра сўхбатлари, анжуманлар, шунингдек, “Энг оммабоп либос”, “Адрес – миллий матолар гултожи”, “Энг ёш либослар дизайнери”, “Узун сочли санамлар” сингари номи-

нациялар бўйича танловлар ҳам уюштирилади.

Инсоннинг ташқи кўриниши шахс дунёқараши, маънавиятини тўла акс эттирмаса-да, либослар ўзига хос маълум хусусиятларни англатади. Ойлик давомида ўтказилаётган тадбирлар, жумладан, танлов, кўргазма ва давра сўхбатларида ёшларимиз боқий қадриятларимиз сарчасмаларидан бахраманд бўладилар.

Гавҳар ҲАСАНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 27 ИЮЛДАН 2 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

- «Биринчи гуруҳга сарвиев етказиб бериш, қабул қилиш, саклаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларни бошқариш кўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 7-сонли қарори.
- 2013 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2492 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Биринчи гуруҳга қаттиқ ҳўжўки соювини етказиб бериш, қабул қилиш, саклаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларини бошқариш кўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 13-сонли қарори.
- 2013 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2493 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Шифокор рецетписиз сотилмадиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси соғлиқни тасдиқлаш вазирлигининг 2013 йил 17 июлдаги 229-сонли буйруғи.
- 2013 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2494 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодалик маҳрум қилиш турлидаги жазони иккў этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сонли буйруғи.
- 2013 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовла-

рини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 2 июлдаги 01-236-сонли буйруғи.
- 2013 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2496 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида туровчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва шпатель жадалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгатириш ва қўшимчалар қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2013 йил 24 июндаги 63-сонли буйруғи.
- 2013 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2501 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби», статистика ва бошқа ҳисобовларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгатиришлар қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банк бошқаруви, Давлат статистика кўмитасининг 2013 йил 2 июлдаги 65, 35, 2013-33, 13/2, 4/м-сонли қарори.
- 2013 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1411-1 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Табиий монополиялар субъектлари томонидан асосий воситаларини сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгатириш қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рако-

батни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2013 йил 18 июлдаги 01/17-26/06-сонли қарори.
- 2013 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 913-5 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Фавқулодда вазиятларда аҳолини хабарлаш учун телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш тартиби ҳақидаги низомига ўзгатиришлар қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг 2013 йил 16 июлдаги 41-м-сонли қарори.
- 2013 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1211-2 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомига ўзгатиришлар қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг 2013 йил 15 июлдаги 36-м-сонли қарори.
- 2013 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1413-2 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва саклаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгатиришлар қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг 2013 йил 15 июлдаги 39-м-сонли қарори.
- 2013 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1557-2 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).
- «Ўзбекистон Республикасида радиолокадан фойдаланиш қондаларига ўзгатиришлар ва қўшимча қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва

телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг 2013 йил 15 июлдаги 38-м-сонли қарори.

2013 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1547-1 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).

13. «Муаддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгатириш қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматининг 2013 йил 5 июлдаги 7, 19, 50-сонли қарори.

2013 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2402-1 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Шифокор рецетписиз сотилмадиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2353, 2012 йил 18 апрель).

Адлия вазирлигининг 2013 йил 29 июлдаги 226-м-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.

2. «Озодаликдан маҳрум қилиш турлидаги жазони иккў этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1039, 2001 йил 8 июнь).

Адлия вазирлигининг 2013 йил 29 июлдаги 227-м-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.

Маъмур ҳужжатлар қонунчилига ўзгатириш қилиш тартиби ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.

Реклама ўрнида

мад манбаига эга бўлди.

Ҳўжайли туманида фаолият бошлаган “Хўжайли Bek tex servis” масъулияти чекланган жамияти жамоаси эса филиал молиявий кўмагида автомашиналарга техник хизмат кўрсата бошлади. Корхона раҳбари Норбек Бекниязовнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа шарофати билан яқин атрофда истиқомат қилувчи аҳолига қўшимча қулайлик яратилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий бизнесни йўлга қўйишни мақсад қилган фуқароларни бошланғич сармоя билан таъминлаш ҳам молия муассасасининг доимий диққат-эътиборида. Ана шундай сазй-харакатлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 65 та оила банк кредити асосида чорвачилик ва паррандачиликни йўлга қўйди. Бундан ташқари, 10 нафар коллеж битирувчиси ҳамда 10 та оила тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Табиийки, бу рақамлар қанчадан-қанча оилаларнинг моддий аҳволи яхшиланиб, орзу-умидлари рўёбга чиқётгани ифодасидир.

Мухтасар айтганда, “Асака” банки Қорақалпоғистон филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали, энг аввало, аҳоли янада фаровон ҳаёт кеңириши кўзда тутилган. Зотан, ушбу соҳа таракқиёти юртимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг 2013 йил 15 июлдаги 38-м-сонли қарори.

2013 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1547-1 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).

13. «Муаддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгатириш қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматининг 2013 йил 5 июлдаги 7, 19, 50-сонли қарори.

2013 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2402-1 (2013 йил 5 августдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Шифокор рецетписиз сотилмадиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2353, 2012 йил 18 апрель).

Адлия вазирлигининг 2013 йил 29 июлдаги 226-м-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.

2. «Озодаликдан маҳрум қилиш турлидаги жазони иккў этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1039, 2001 йил 8 июнь).

Адлия вазирлигининг 2013 йил 29 июлдаги 227-м-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.

Маъмур ҳужжатлар қонунчилига ўзгатириш қилиш тартиби ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.

ҚАТЪИЯТ

Бадий гимнастикага жуда қизиқаман. Ундаги нафис ҳаракатлари мусиқа уйғунлиги мени доимо ўзига оҳанрабодек тортади. Болалигимда республика, халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этаётган спортчи қизларнинг ҳаракатини телевизорда кўриб, беихтиёр завқланардим. Бу қизиқишимни пайқаган онажоним мени мураббий Гулбаҳор Юнусова ҳузурига олиб бордилар. Шу тариқа беш ёшимдан бадий гимнастика билан мунтазам шуғуллана бошладим.

Нафосат шайдосиман

Аваллига осон бўлмади. Ахир ҳар қандай спорт тури кишидан қатъият, чидам, саботни талаб қилади. Аммо ҳаммаси кишининг ўзига боғлиқ экан. Кўп ўтмай, туманимиздаги гимнастика маркази спортнинг бу нафис турига меҳр қўйган қўллаб-тенгдошларим қаторида мен учун ҳам энг суюкли масканга айланди. Кейинчалик интилишларим маъқул тушиб, устозларим вилот марказидаги “Ҳумо” спорт мажмуасида машғулотларни давом эттиришни маслаҳат беришди. Бу ерда таниқли мутахассис, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Р. Хохлова кўл остида машғулотлар ўтказа бошладим. “Ҳумо”да бадий гимнастика ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Спорт усталари Ҳусниябону Фулмонова, Сарвина Холиқова, Замира Санакулова сингари тажрибали гимнастикачилар билан ёнма-ён туриб машғулотларда қатнашиш мен учун маҳорат сабоғи вазифасини ўтади. Ўзбекистон



терма жамоаси аъзоси сифатида халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган бу спортчилардан жуда кўп нарсани ўргандим. Ўзим ҳам турнирларда қатнаша бошладим. Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарларида бўлиб ўтган мусобақаларда совриндорлар қаторидан ўрин олдим. Айниқса, Наманган шаҳри-

да ёшлар ўртасида ўтказилган биринчилик муваффақиятли кечди: бир йўла учта совринли ўринни қўлга киритдим. Бу ютуқларимнинг бош омили, ҳеч шубҳасиз, Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори, деб биламан. Шу ўринда устозларим меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Ҳозир вилотимизда фаолият кўрсатаётган 14 та бадий гимнастика марказида қирққа яқин мураббий ёшларга сабоқ бермоқда. Бугунги кунга қадар бадий гимнастика бўйича республика ва Осиё миқёсидаги 200 га яқин мусобақада буюроқлик қизлар ғолиблар сафидан ўрин олдилар.

Едда қоладиган воқеалардан яна бири — Германияда таниқли спорт мутахассисларидан маҳорат сабоқлари олганим. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Германиянинг Рейн гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур сафар давомида биз, бир гуруҳ спортчи қизлар Бергиш Гладбах шаҳрида машғулотлар ўтказдик. Маҳоратимизни ошириб, қўллаб-дўстлар орттирдик.

Спорт ҳозирданоқ ҳаётда ўз йўлимини танлашимга имконият яратди. Айни дамда Шофиркон туманидаги 2-мактаб ўқувчисиман. Мактабдан кейин академик лицейда ўқимоқчиман. Ниятим — олий ўқув юртида тахсилни давом эттириб, спорт мураббийи бўлиш. Устозларим каби жажжи қизалоқларга бадий гимнастика силрини ўргатиб, улар орасидан халқаро арена-ларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган бўлғуси чемпионларни тарбияласам, дейман. Бу мақсад йўлида хали кўп ўқиб-ўрганишим, меҳнат қилишим зарурлигини яхши биламан.

Сандабону ИКРОМОВА.
Шофиркон тумани

Замонавий ҚВП

Обод турмуш йили муносабати билан Оҳангарон туманининг чекка қишлоқларидан бири — Увақда бир қатор истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

БУНЁДКОРЛИК

Хусусан, ҳудудда 432 миллион сўмлик маблағ эвазига 50 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти бунёд этилиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатила бошланди. Бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларида

“Ангрен қурувчи инвест” масъулияти чекланган жамияти жамоаси камарланган қишлоқ врачлик пункти бунёд этилиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатила бошланди. Бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларида

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ!

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги 2013 йил август – октябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб республика наشريётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданияти ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалашти-

риш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаххих, рассом-дизайнерлар, матбачиларни рағбатлантириш, аҳолининг бешра қатлами, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсатини «Йилнинг энг яхши китоби» V Республика кўрик-танлови қўйидаги номинациялар бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. «Ижтимоий-сиёсий адабиёт»;
2. «Ватан тарихи»;
3. «Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти»;
4. «Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;
5. «АРТ китоб».

Танловга қўйилган нашрларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:

- маъно-мазмун, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;
- тахририй-ноширлик даражаси;
- дизайннинг оригинал ечими ва бадий ечимларининг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
- матбаа ихросининг сифати;
- нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамияти.

Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бирданига бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан қатнашишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2013 йилнинг 20 октябригача қабул қилинади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан қуйидаги манзил бўйича: **Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига** юборилсин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 244-12-61, 244-31-85.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўёонлар 232-11-15.*



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор Ж. Тоғаев
томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40
Тошпирилди — 21.40

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Ғайниева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаххих — С. Исмолов.

1 2 3 4 5